

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУННАТОВ МУХТОР НЪЕМАТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt458 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Ахмедов Дурбек Қудратиллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Хошимов Акроб Абдиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Самад Нормўминович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг _____ йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси 49-уй. Тел: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 233-60-01; E-mail: tdiu@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-27; E-mail tdiu@tsue.uz)

Диссертация автореферати _____ йил «__» _____ куни тарқатилади.
(_____ йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

Д.М. Мавлянова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д.

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига 196¹ та давлат аъзо бўлиб, бу барча мамлакатларнинг 96 фоизини ташкил этади. Аъзо давлатлар томонидан 2020 йилда глобал пандемияга қарамай халқаро Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (Patent Cooperation Treaty — PCT) асосидаги тизим бўйича 275900 та ихтироларни патентлашга аризалар топширилиб, 2019 йилга нисбатан 4 фоизга ўсди ва 2010 йилдан бери ўсиш тенденциясини сақлаб қолди. Хитой, АҚШ, Япония, Корея Республикаси ва Германия дастлабки бешта рўйхатни тўлдирдилар. 2020 йил якунлари бўйича энг яхши 10 та мамлакат умумий мувожазларнинг 88,5 фоизини ташкил этди². Жаҳонда интеллектуал мулк ресурси замонавий глобал иқтисодийнинг ядроси бўлиб «моддий» бозорларнинг ўсиш суръатларидан юқори, йилига 10 фоиздан кўпроқ суръатда ўсмоқда (Хитой-23%, АҚШ-5%, Франция-2%, Россия-5%)³. Ялпи ички маҳсулотда интеллектуал ресурслар улуши, Европада 45⁴ фоизни, Хитойда 12 фоиз ва Россияда 7 фоизни ташкил этади.

Жаҳонда интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, глобал инновацион ривожланаётган мамлакатлар интеллектуал фаолият натижалари билан фаол савдо қилар экан, интеллектуал мулк бозорининг хусусиятлари, мазмуни, ҳолати, уларнинг илмий-назарий ва методологик муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассаларида амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Массачусетс Технология институти (АҚШ, Бостон), Стэнфорд университети (АҚШ, Бостон), Гарвард университети (АҚШ, Санта-Клара), Кембридж университет (Англия, Кембридж), Оксфорд университети (Англия, Оксфорд), Мюнхен техника университети (Германия, Мюнхен), Гейдельберг университети (Германия, Хайдельберг), Пьера ва Марии Кюри (Париж VI) Университети (Франция, Париж), Страсбург университети (Франция, Страсбург), Москва давлат университети (Москва), Россия иқтисодий университети (Россия Федерацияси) шулар жумласидандир.

Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш, инновацион жараёнда интеллектуал мулк объектларини баҳолаш механизмларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, малакатимизда аҳоли умумий даромадларида «мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида интеллектуал мулкдан фоизлар ва муаллифлик ҳақи 20,1 фоизни»⁵ ташкил этаётгани мазкур соҳани истиқболда янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Хусусан, Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтингига киритиш ва мавжуд муаммоларни

¹ <https://www.wipo.int/treaties/ru/summary.jsp>

² <https://www.wipo.int/edocs/infogdocs/en/ipfactsandfigures/>

³ f9ddff6a499e00c92062220485f114ad.pdf (csr.ru) ВОИС: ИС в фактах и цифрах 2020 год (wipo.int)

⁴ Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди (president.uz) 5aholi_daromadlari_uz_28012021.pdf (stat.uz)

тизимли ижобий ҳал этиш мақсадида, Бутунжаҳон Интеллектуал мулк Ташкилоти раҳбарияти, Elsevier вакиллари ва бошқа хорижий ташкилотлар иштирокида «Ўзбекистон Республикасини Глобал инновацион индекс рейтингдаги ўрнини яхшилаш»⁶ мавзусида илмий тадқиқот олиб борилаётгани бугунги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб, Ўзбекистонда илм-фан соҳасини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда «...интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтироларга бўлган ҳуқуқлар ва бошқалар) бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, шунингдек бу соҳадаги давлат назоратини кучайтириш»⁷ зарурияти, тадқиқот ишимизнинг долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон фармонлари, 2019 йил 8 февралдаги «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4168-сон, 2021 йил 28 январдаги «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4965-сон, 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сон қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш масалаларига хорижлик олимлардан Kamil Idris, Keith E. Maskus, William M. Eandes, Richard A. Posner, Christine Greenhalgh, Mark Rogers, Dean Baker, Arjun Jayadev, Joseph Stiglitz ва бошқа чет эллик олимлар катта ҳисса қўшиб, мазкур соҳани ривожлантиришга назарий жиҳатдан ёндашганлар.⁸

6 <https://mininnovation.uz/uz/news/2363>

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони, 2017 йил 7 февраль

⁸ Kamil Idris. Intellectual property a power tool for economic growth. World Intellectual Property Organization (WIPO) Geneva 2003. 4-6 p. Keith E. Maskus. Intellectual Property Rights and Economic Development. Case Western Reserve University (2000), -473 p., William M. Eandes Richard A. Posner. The Economic Structure of Intellectual Property Law. Cambridge, Massachusetts, and London, England I 2003. -74p., Christine Greenhalgh, Mark Rogers., Innovation, Intellectual Property, and Economic Growth. Copyright c 2010 by Princeton University Press Published by Princeton University Press. -330-340 p. Dean

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида интеллектуал мулк объектларини иқтисодийнинг манбаи сифатида унга тизимли ёндашиш масалалари Л.И.Лукичёва, А.Ф.Наумов, И.П.Степанова, С.А.Судариков, Н.Г.Грек, К.А.Бахренькова, В.И.Мухопад, А.Н.Олейник, П.Н.Цыбулов, А.Н.Козырев, А.П.Сергеев, И.А.Близнеца, Р.А.Мерзликина, А.А.Пиленко, Е.А.Моргунова, М.С.Дашян, И.В.Иванов, В.З.Черняк, Е.В.Шипова каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган⁹.

Республикамиз олимларидан О.О.Окюлов, Б.Н.Тошев, Н.Қ.Йўлдошев, Б.Б.Беркинов, Ш.Ж.Эргашходжаева, М.Э.Пулатов, Ғ.Э.Захидов, Л.С.Зоиров, С.К.Қосимова, Н.Н.Алимов, Ф.И.Маматова, А.А.Кравченко ва бошқалар интеллектуал мулк муҳофазаси ва унинг иқтисодий муносабатларини тадқиқ этганлар¹⁰.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-услубий асос ҳисоблансада, интеллектуал мулк ресурсларини ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқлигига етарли даражада илмий баҳо берилмагани сабабли, интеллектуал мулк объектлари бўйича эмпирик тадқиқотлар тор даражада амалга оширилган. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш, ишлаб чиқаришда бошқариш ёки фойдаланишда натижаларни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш масаласини мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги

Baker, Arjun Jayadev, Joseph Stiglitz. Innovation, Intellectual Property, and Development: A better set of approaches for the 21st century. -59-68 p.

⁹ Лукичёва Л.И., Управление интеллектуальным капиталом. Учебное пособие. 2-е изд. -М.: «Омега-А» 2009. -52 с., Наумов А.Ф., Степанова И.П. Управление интеллектуальной собственностью. Учебное пособие. Саратов, 2017. -220 с., Судариков С.А., Грек Н.Г., Бахренькова К.А., Экономика и интеллектуальная собственность. -М.:Изд-во деловой и учеб.лит., 2004. -49 с. Мухопад В.И. Коммерциализация интеллектуальной собственности. -М.:ИНФРА-М, 2010. -312 с. Олейник А.Н. Институциональная экономика. Учебное пособие. -М.: ИНФРА-М, 2002. -110 с., Цыбулов П.Н. Оценка интеллектуальной собственности. Учебное пособие, -Киев.: Институт интеллектуальной собственности и права. 2005. -46 с., Козырев А.Н., Оценка интеллектуальной собственности: Функциональный подход и математические методы. Издательские решения По лицензии Ridero., - М.: 2016. -105-107 с., Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в российской федерации. -М.:Прспект. 2004. -34-54 с., Близнеца И.А. Право интеллектуальной собственности – М.: Прспект. 2010. 241-319 с., Судариков С.А. Права интеллектуальной собственности М.:Прспект. 2010, -8-14с., Мерзликина Р.А. Права интеллектуальной собственности.–М.:2009. -23-27 с., Пиленко А.А. Права изобретателя. – М.:Статут, 2001.112-118с., Моргунова Е.А. Авторское право. – М.: Норма.2009.24-25с., Дашян М.С. Интеллектуальная собственность в бизнесе. – М.: Эксмо. 2009. 122-128с., Иванов Н.В. Авторские и смежные права в музыке. – М.: Прспект. 2009.103-105с, Шипова Е.В. Оценка интеллектуальной собственности. Иркутск. 2003, 28-30с.

¹⁰ Окюлов О.О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми – Т.:ТДЮИ. Док.дисс. 66-82б., Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б., Кравченко А.А. Бизнес қийматини баҳолаш – Т.:Иқтисод-Молия. 2007. 132-145б., Пулатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. –Т.:ТДИУ. 2017. Док.дисс. 14-23б. Йўлдошев Н.Қ., Захидов Ғ.Э. Менежмент. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2018. -140-150б. Zoyirov L.S., Qosimova S.K., Intellektual mulk va nomoddiy aktivlarni baholash, O'quv qo'llanma, -Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. -31-32б. Алимов Н.Н. Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси. – Т.: “Иқтисодий ва таълим”, 1-сон 2010. – 52б., Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодий. -Т.ТДИУ. 2013. 113-119б., Беркинов Б.Б., Эргашходжаева Ш.Ж., Маматова Ф.И. Трансакция ва трансакция харажатлари. –Т.:ТДИУ.2010. 52-55б.,

танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, А-2-40 сонли «Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожланишининг институционал механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

интеллектуал фаолиятни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

интеллектуал мулкни шакллантириш механизмларини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва асослаш;

интеллектуал мулк бозорининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини назарий ва услубий жиҳатдан ўрганиш;

Ўзбекистонда интеллектуал мулкни ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва муҳофаза ҳужжатлари классификациясини баҳолаш;

интеллектуал мулкни баҳолаш тамойилларини ва услубиётини ишлаб чиқиш;

мулк ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш ва муаллифларга ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш;

инновацион фаолият жараёнида интеллектуал мулк бозорини бошқариш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкни бошқариш соҳасида халқаро амалиётни умумлаштириш;

интеллектуал мулк бозори институционал бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтиш даврида шаклланган миллий интеллектуал мулк бозори фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мантиқий фикрлаш, комплекс ёндашув, операцияларни тадқиқ этиш, бошқарув масалаларини ечиш, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, таққослаш, SWOT-таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги ваколатларни «ихтиёрий» ёндашув асосида тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

интеллектуал мулк бозорида илғор инновациялар савдо оқими юқори бўлган ахборот технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни тижоратлаштиришда хорижий инвестициялар, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорларнинг маблағларини жалб этишнинг «одамларнинг жамоавий ҳиссаси» орқали молиялаштириш таклиф этилган;

инновация фаолиятида ҳимояланган интеллектуал мулк ва номоддий активларни баҳолашда интеллектуал мулк объектларини ички ва ташқи ҳуқуқларидан фойдаланиш жараёнида тўланган муаллифлик ҳақлари маълумотини юритиш таклиф этилган;

корхона/ташкилотларда интеллектуал мулкдан фойдаланишнинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилишда «Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш» йиллик ҳисобот шакли ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

интеллектуал мулк объектлари хусусиятларини инобатга олиб, уларни миллий тизимда фойдаланишни самарали ёндашуви ишлаб чиқилган;

интеллектуал мулк бозорида ахборот технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришда «краудфандинг платформаси»нинг имкониятлари ва пинциплари бўйича афзаллик ёндашувлари ишлаб чиқилган;

инновация фаолиятида ҳимояланган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишда тўланган муаллифлик ҳақлари маълумотларини тўплаш бўйича ишланмалар респондентлар фаолиятига жорий этилди;

интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишнинг молиявий кўрсаткичлари таҳлили бўйича амалий ишланмалар ва объектдан фойдаланишнинг иқтисодий самарасини кўрсатувчи ҳисобот шакллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олингани, муайян меъёрий ҳужжатлар, тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Савдо саноат палатаси ва бошқа ташкилотларнинг маълумотларига таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти интеллектуал мулк бозоридаги яратувчилар ундан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш, ахборотларнинг ишончлилиги, тўлиқлик даражаси ва фойдаланувчиларнинг талабларига мос келишини таъминлаб, истиқболларини прогнозлаш имкониятларини кенгайтириб миллий илм-фанни бойитиш учун хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий ўқув юртлари иқтисодиёт йўналишидаги кафедраларда «Менежмент», «Маркетинг», «Институционал иқтисодиёт» фанларидан ўқув дастури, ўқув-услубий мажмуа, маъруза матни, кейс-стади ҳамда шу соҳа мутахассис ва олимлари томонидан ўқув

қўлланмалар, илмий рисола ва мақолалар тайёрлашда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги ваколатларни «ихтиёрий» ёндашув асосида тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган таклифи, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекциясининг 2021 йил 16 июндаги 729/1-сонли буйруғи асосида қабул қилинган (Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси 2021 йил 16 июндаги №33-03-1/729-сон маълумотнома). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилингани ўзаро ҳамкорликда ишлаш тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

интеллектуал мулк бозорида илғор инновациялар савдо оқими юқори бўлган ахборот технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни тижоратлаштиришда хорижий инвестициялар, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорларнинг маблағларини жалб этишнинг «одамларнинг жамоавий ҳиссаси» орқали молиялаштириш таклифи, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекциясининг 2021 йил 16 июндаги 729/1-сонли буйруғи асосида қабул қилинган (Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси 2021 йил 16 июндаги №33-03-1/729-сон маълумотнома). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши, интеллектуал мулк бозорини шаклланишини ва стартапларнинг экотизими ривожланишини таъминлаб соғлом рақобатни ривожлантиришга олиб келади ва ўз навбатида, Ўрта Осиё стартап хаби яратилишига имкон беради;

- инновация фаолиятида ҳимояланган интеллектуал мулк ва номоддий активларни баҳолашда интеллектуал мулк объектларини ички ва ташқи ҳуқуқларидан фойдаланиш жараёнида тўланган муаллифлик ҳақлари маълумотини юритиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 03 февралдаги 46/3-сонли буйруғи асосида қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2021 йил 03 февралдаги №01/1-15-17/2-20-сон маълумотнома). Натижада аҳоли умумий даромадларида мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида интеллектуал мулкдан фоизлар ва муаллифлик ҳақи маълумотларининг тўлиқлиги, аниқлиги ва шаффофлиги таъминланиб, респондентлар сони ошган;

- корхона/ташкилотларда интеллектуал мулкдан фойдаланишнинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилишда «Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш» йиллик ҳисобот шакли таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 03 февралдаги 46/3-сонли буйруғи асосида қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2021 йил 03 февралдаги №01/1-15-17/2-20-сон маълумотнома). Ушбу илмий ва амалий таклифни амалиётга жорий қилингани, ахборотлар олиш имкониятларини кенгайтириб, маълумотларни

қайта ишлаш, жамлаш, сифатини яхшилиш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Маскур тадқиқотнинг натижалари 2 халқаро 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 16 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола ва 12 та маъруза тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Интеллектуал фаолиятни бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида интеллектуал фаолиятни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш шартлари ва асосий элементлари аниқланган, интеллектуал мулк бозорини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ва ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг институционал механизмлари тадқиқ этилган.

Мулк ҳуқуқлари назарияси доирасида “мулк” тушунчаси одатда турли шахслар ўртасида ҳар хил улушларда тақсимланган ҳуқуқлар тўплами сифатида талқин этилади. Интеллектуал мулкни ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиб уни иқтисодий жиҳатдан актив (моддий ва номоддий) сифатида бошқариш кераклигини, шунингдек, ишлаб чиқариш омили бўлиб ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичини белгиловчи иқтисодий категория эканлиги аниқланди. Республикамизда интеллектуал мулк бозорини тартибга солишнинг ташкилий ва иқтисодий механизмларини яратилишини ўзига хос босқичлари бўлиб, ҳар бир даврда интеллектуал мулк бойликлардан фойдаланишни ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш масалалари такомиллаштирилмоқда.

Тадқиқотлар натижасида мулк ҳуқуқлари тўпламига нисбатан илмий, техник ва саноат соҳаларида интеллектуал мулк объектларини бошқариш хусусиятларини ўрганиб, интеллектуал мулк муносабатларининг субъектив томонини, яъни ушбу муносабатлар иштирокчилари ўртасида ваколатларни тақсимланиш схемасини ишлаб чиқдик (1-жадвал).

1-жадвал

Интеллектуал мулк объектларини бошқариш хусусиятлари ¹¹

№	Интеллектуал мулк объектларини «мулк ҳуқуқлари тўплами» асосида бошқариш	Мулк ҳуқуқларининг субъектлари					
		муаллифлик ҳуқуқи			патент ҳуқуқи		
		Яратувчи муаллиф (ёки ҳаммуаллифлар)	Муаллифлик ҳуқуқи берувчи ташкилот	Фойдаланувчи	Ихтирочи муаллиф (ёки ҳаммуаллифлар)	Патент берувчи ташкилот	Фойдаланувчи
1.	Мулкка эгалик ҳуқуқи	+			+		
2.	Фойдаланиш ҳуқуқи			+			+
3.	Тасарруф этиш ёки бошқариш ҳуқуқи	+	+		+	+	
4.	Мулкни ўзлаштириш ёки даромад олиш ҳуқуқи	+		+	+		+
5.	Қолдиқ қиймати ёки суверен ҳуқуқи	+			+		
6.	Хавфсизлик ҳуқуқи	+		+	+		+
7.	Мерос ҳуқуқи	+			+		
8.	Муддатсизлик ҳуқуқи	+		+	+		+
9.	Зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи	+	+		+	+	
10.	Ундириш шаклидаги жавобгарлик ҳуқуқи	+	+		+	+	
11.	Кутилаётган қолдиқ ҳуқуқи	+			+		

Интеллектуал мулк объект(ИМО)ларининг ҳуқуқий асослари ҳар доим ҳам мос келавермайди. ИМОларига баъзида мутлоқ ҳуқуқлар тизими қамраб

¹¹Муаллиф томонидан тузилган

олинмаган, лекин ижодий натижалар бўлган объектлар киради, масалан, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау). Баъзи олимларнинг фикрига кўра ноу-хауга мутлоқ ҳуқуқларнинг махсус тизими қўлланилади деб ҳисоблашади.

Интеллектуал мулк объектларини тартибга солишда менежментнинг маъмурий илмий ёндашувини қўллаб тегишли ҳуқуқларни муҳофаза қилишда ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги ваколатларни тасдиқлашда «ихтиёрий» ёндашув асосида тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги илмий асосланди (2-жадвал).

2-жадвал

Интеллектуал мулк объектларини тартибга солишда маъмурий ва ихтиёрий ёндашув¹²

Интеллектуал мулк (ИМ)	Ҳимоя қилиш объекти	Рўйхатдан ўтказиш маъмурий ва ихтиёрий	Хавфсизлик ҳужжати	Мутлоқ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати
Муаллифлик ҳуқуқи	Адабиёт, фан ва санъат асарлари	Талаб қилинмайди		Муаллифнинг ҳаёти давомида ва вафот этган йилидан кейин 50 йил
	Ҳосила ва композит асарлар			
	Компьютер дастурлари	Мажбурий	Гувоҳнома	
	Маълумлотлар базаси			
Турдош ҳуқуқлар	Ижро; Фонограмма; Эшиттириш.	Талаб қилинмайди		Ижро йилидан кейин 50 йил давомида ишлаб чиқариш, эфирга узатиш
	Ишлаб чиқарилган маълумотлар базаси			Ишлаб чиқарилган йилдан кейин 15 йил
	Нашрлар			25 йил нашр этилганидан кейин
Патент ҳуқуқи	Ихтиролар	Мажбурий	Патент	20 йил
	Фойдали моделлар			10 йил (3 йилга узайтириш)
	Саноат намуналари			15 йил (10 узайтириш)
Селекция ютуқлари ҳуқуқи	Ўсимлик навлари	Мажбурий	Патент	30 йил (танланган турлар учун 35 йил)
	Ҳайвонлар зоти			30 йил
Интеграл микросхемалар топологияси ҳуқуқлари		Хоҳишига	Гувоҳнома	10 йил

¹² Муаллиф томонидан тузилган

Ишлаб чиқариш сирлари бўйича ҳуқуқ (ноу-хау).		Талаб қилинмайди		Сирлиги очилгунга қадар
Шахсийлаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқлар	Фирма номи	Талаб қилинмайди		Юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилгунга қадар
	Товар белгиси ва товар келиб чиққан жойнинг номи	Мажбурий	Гувоҳнома	10 йил давомида ҳар бир янгилаш ҳуқуқи билан 10 йил
	Тижорат сир	Талаб қилинмайди		Чекланмаган

Ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау) ҳимояланмаган объектдир. “Ноу-хау” сифатида тан олинган ахборот одатда махфий характерга эга ишлаб чиқариш сирлари ҳисобланади ва улар учунчи шахсларга ошкор этилмайди, бошқача айтганда, ноу-хауда фақат ҳуқуқий монополия мавжуд. Агар муаллиф хоҳласа «ихтиёрий» равишда ошкор этади. Бундай ҳолда мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш усулига қараб субъектлар ўртасидаги ваколатлар тақсимланади.

Хизмат вазифаларини ёки хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган ихтирога бўлган муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ихтиро муаллифида сақланиб қолиши ва хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва ҳақ олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритилиши миллий қонунчиликда маъмурий белгилаб қўйилган. Хизмат ихтиролари, фойдали моделлари, саноат намуналари иш берувчига тегишли бўлсада, муаллифга фойдалинишни «ихтиёрий» равишда ваколат берилиши корхона/ташкilot истиқболида ўзаро ҳамкорликда ишлаш тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Интеллектуал мулк бозорида илғор инновациялар савдо оқими юқори бўлган ахборот технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни тижоратлаштиришда хорижий инвестициялар, халқаро ташкilotлар ва тадбиркорларнинг маблағларини жалб этишнинг «одамларнинг жамоавий ҳиссаси» орқали молиялаштириш таклиф этилган (1-расм). Мазкур илмӣ янгиликнинг амалиётга жорий этилиши, интеллектуал мулк бозорини шаклланишини ва стартапларнинг экотизими ривожланишини таъминлаб соғлом рақобатни ривожлантиришга олиб келади ва ўз навбатида, Ўрта Осиё стартап хаби яратилишига имкон беради. Миллий иқтисодиётнинг ўсишини ва мамлакатнинг глобал дунёдаги таъсирини белгилашда рақамли инфратузилмаларнинг ўрни муҳим саналади. Жадал ривожланаётган ва замонавий дунёда Интернет тармоғи орқали маблағ тўплаш лойиҳаларни молиялаштиришнинг муқобил ва истиқболли схемасига айланиб бормоқда.


Хусусан, ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни краудфандинг платформаси орқали жойлаштириш ва молиялаштириш механизми. Ушбу схема ёш тадбиркорлар ва стартапларга инвестицияларни жалб этиш ҳамда молиялаштириш манбаларини топиш имкониятини яратиб беради.



1-расм. Краудфандинг платформасини ишлаш принципи¹³

¹³ Муаллиф томонидан тузилган

Илғор технологиялар бозори жумладан, сунъий интеллект, блокчейн, мобил алоқанинг бешинчи авлоди (5G), робототехника, дронлар, генетик муҳандислик, нанотехнология ва қуёш фотоэлектрик тизими иқтисодий рақамлаштириш ва ўзаро ҳамкорликда ишлашнинг янги даврни бошлаб бермоқда. Ушбу технологияларни 90 фоизи интеллектуал мулк объектлари ҳисобланади. Маълумки, бутун дунёда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда янги тармоқ шаклланимоқда ва ривожланимоқда бу «Интеллектуал маҳсулот ахбороти» тармоғи деб юритилади. Интеллектуал маҳсулот ахбороти ўз навбатида интеллектуал мулкни тижоратлаштиришда бозор субъектларини инновацион фаолиятдаги ўзаро алоқадорлигини асослайди (2-расм).



2-расм. Интеллектуал мулкни тижоратлаштиришда бозор субъектларини инновацион фаолиятдаги ўзаро алоқадорлиги¹⁴

Бу ерда: қонунчилик, норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар (1), молиявий даромад (2, 4, 5, 6, 8, 10, 12, 14), интеллектуал мулк (3), интеллектуал мулк асосидаги маҳсулотлар (7, 13), рақобатчилар маҳсулоти (9), қароқчилар маҳсулоти (11).

«Ақлли машина», «Ақлли уй», «Ақлли шаҳар» каби атамалар қаторида «Ақлли одамлар» ибораси ҳам илм-фан ютиқларида тез-тез учраб турибди. Бинобарин, ақлли одамлар ва ташкилотлар томонидан бошланган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, илмий-техник ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни тезлаштириш ва инновацион маҳсулотларни халқаро бозорга чиқариш тизимининг барқарор занжирини яратиш ва ривожлантириш имконини беради.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг ривожланиши ва ҳозирги ҳолати» деб номланган иккинчи бобида

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган

Ўзбекистонда интеллектуал мулкни ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили ва муҳофаза хужжатлари классификацияси, интеллектуал мулкни баҳолаш тамойиллари ва услубиёти ҳамда мулкний ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш ва муаллифларга ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

2015-2020 йилларда ихтироларга патент олиш учун келиб тушган умумий талабномалар сони 3318 тани ташкил этди (3-жадвал)

3-жадвал

2015-2020 йилларда ихтироларга талабнома топшириш динамикаси¹⁵

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020*	жами
Топширилган талабномалар, жами улардан:	507	555	553	650	543	510	3318
миллий талабнома берувчилар томонидан	288	353	357	470	374	303	2145
хорижий талабнома берувчилар томонидан	219	202	196	180	169	207	1173
шу жумладан, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (РСТ) процедураси бўйича	213	194	185	157	153	161	1063


Интеллектуал мулк бозорида амал қилиб келинаётган патентлар сони йилдан-йилга ўсиб келмоқда. Бунга сабаб ихтироларни рўйхатдан ўтказиш механизмини такомиллашганлиги билан белгиланади. Ўзбекистоннинг тижорат ташкилотларида интеллектуал мулк объектларидан (ИМО) фойдаланишнинг роли ва аҳамиятига унинг институционал асосларига бугунги кунда етарли даражада эътибор берилмаяпти. Бундан ташқари, мавжуд манбалар «номоддий объектлар», «интеллектуал мулк», «интеллектуал капитал» каби турли хил ёндашувлар ва усуллар билан тушунтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу иқтисодий ва институционал жиҳатдан қўшимча мураккабликни келтириб чиқаради. Тадқиқотлар асосида «Интеллектуал мулк», «Номоддий активлар» ва «Интеллектуал капитал» тушунчаларидаги нисбат схемаси ишлаб чиқилди.

Интеллектуал мулк ва асосий фондларни таққослаш бизга, ИМО ва Асосий фондлар (АФ) ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга имкон берди. Юқорида кўрсатилган йўналишларда ИМОни қўллаш корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. ИМОни тўғри ишлатиш корхонанинг даромадлари ва

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси

* 2020 йил маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг расмий ахборотномаси асосида муаллиф ишланмаси

рентабеллигини оширади, натижада унинг қиймати ошади. Ушбу бобда интеллектуал мулк ва асосий фондларнинг ўхшашликлари ва фарқларининг асосий мезонини ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Интеллектуал мулк (ИМ) ва асосий фондлар (АФ) ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларнинг асосий мезонлари¹⁶

Интеллектуал мулкни баҳолашнинг бир қатор асосий тамойиллари мавжуд: нафлилик тамойили, алмаштириш (ўзгартириш) тамойили, кутиш тамойили, мувофиқлик тамойили, талаб ва таклиф тамойили, рақобат тамойили, макроиқтисодий вазиятга ёки минтақанинг иқтисодий ривожланишига боғлиқ тамойиллардир. Интеллектуал мулк объекти товар сифатида намоён бўлар экан, у бозорда ўз қийматига эга бўлиши лозим. Бунда ИМ қийматини баҳолаш хизматлари бозорининг институционал тузилмасидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

ИМОни капиталлаштириш учун харажатлар ёндашуви қўлланилади, унинг ёрдамида ўз корхонасида ИМО яратиш ёки учунчи шахслардан сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар баҳоланади. Ушбу ҳолатда маълум бир ҳисобкитоб даври учун фойда миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$ПТ1 = \sum_{th}^{tk} Vt \times \Delta Pt \times Kdt \quad (1)$$

¹⁶ Муаллиф томонидан тузилган

Бу ерда: P_{T1} - ўзининг ишлаб чиқарган товарлар ва хизматларини сотилишидан бошлаб T даврдаги кутилаётган фойда ҳажми; V_t - йил давомида ИМО асосида маҳсулот сотиш ҳажми; ΔP_t - ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигини сотишдан кутилаётган фойда; $K_{dt} - t$ - йилда дисконт коэффиценти; t_h ва t_k - T даврга мос равишда ҳисоблаб чиқилган дастлабки ва охириги йиллар. ИМ ҳуқуқларини тижоратлаштиришнинг бошқа шаклларида фойдаланишда (патент ва лицензияларни сотиш, қўшма корхонанинг устав капиталига ҳисса қўшиш, франчайзинг, лизинг, ишлаб чиқариш коорпорацияси, тижорат имтиёзи ва бошқалар) муаллифлик ҳуқуқи эгаси жами фойда миқдорини фақат бир қисмини (10-30%) олади, қолган қисми патент ва лицензияни сотиб олганга тегишли бўлади. Бундай ҳолда муаллифлик ҳуқуқи эгаси олган фойда миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$PT2 = D \times \sum_{th}^{tk} Vt \times \Delta Pt \times Kdt \quad (2)$$

Бу ерда: P_{T2} - лицензиялар ва патентларни сотишдан тўлаадиган муаллифлик ҳақи миқдори; D - патент ёки лицензияни сотиб олувчининг фойдасидаги муаллифлик ҳуқуқи эгасининг улуши фоизда. Ҳисоблаш формулаларини таққослаш шуни кўрсатиб турибдики, энг катта самарани муаллифлик ҳуқуқи эгаси ИМОни ўз ишлаб чиқаришида қўлласа юқори фойда олади. Ушбу бобда интеллектуал мулк (ИМ) ва номоддий активларни (НМА) баҳолашга бўлган ёндашувлар афзалликлари услубиёти ишлаб чиқилди (4-жадвал).

4-жадвал

Интеллектуал мулк ва номоддий активларни баҳолашга бўлган ёндашувларни афзал кўриш¹⁷

Номоддий активлар ва интеллектуал мулк турлари	Танланган ёндашувлар		
	Биринчи	Иккинчи	Учинчи
Патентлар ва технологиялар	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Савдо белгилари	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Муаллифлик ҳуқуқи объектлари	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Малакали ишчи кучи	Харажат	Даромад	Қиёсий (бозор)
Ахборот дастури бошқарувини таъминлаш	Харажат	Қиёсий (бозор)	Даромад
Дастурий маҳсулотлар	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Дистрибьютер (тарқатиш) тармоқлари	Харажат	Даромад	Қиёсий (бозор)
Асосий депозитлар	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Франчайзинг ҳуқуқлари	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Корпоратив амалиёт ва процедуралар	Харажат	Даромад	Қиёсий (бозор)
Нусха кўчириш ҳуқуқлари	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Интеллектуал мулкни баҳолаш, корхона/ташкilot тугатилганда, бирлаштириш ва сотиб олишни ўтказишда, судда расмий ҳисобот тақдим этишда, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарарни аниқлашда, муаллифларга тўланадиган ҳақини аниқлашда ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқларини бериш ва лиценциялашда зарурият ҳисобланса, айти вақтда номоддий активларни баҳолаш эса, корхона/ташкilot устав капиталига ҳисса қўшишда, номоддий активга инвестиция қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш ва сотиш, бизнесни баҳолашда ва сотиб ҳамда халқаро молиявий ҳисобот стандартлари учун зарур ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Иновацион жараёнда интеллектуал мулк бозорини бошқаришнинг институционал механизмлари**» деб номланган учинчи бобида инновацион фаолият жараёнида интеллектуал мулк бозорини бошқариш механизмлари, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулкни бошқариш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ўрнини аниқлаш орқали интеллектуал мулк бозори институционал бошқарувини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Инновация фаолиятида ҳимояланган интеллектуал мулк ва номоддий активларни баҳолаш ёндашувларининг афзаллик механизмларини қўллаш орқали, интеллектуал мулк объектларини ички ва ташқи ҳуқуқларидан фойдаланиш жараёнида тўланган муаллифлик ҳақлари маълумотини олиш респондентлар фаолиятига жорий этилган. Интеллектуал мулкдан фойдаланишда муаллифлик ҳақлари тўғрисидаги маълумотни давлат статистика ҳисоботининг 88-иловаси 1-инновация шакли (йиллик), «Инновация фаолияти тўғрисида» йиллик ҳисоботи маълумотларига VI бўлим сифатида ишлаб чиқдик.

VI. БЎЛИМ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ҲУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ТЎЛАНГАН МУАЛЛИФЛИК ҲАҚЛАРИ

ИМ тури (ИХ, ФМ, ДТ, СН ва бош.)	Сатр код и	Ҳимоя ҳужжатининг рақами (патент, гувоҳнома)	ИМдан фойдаланиш бошланган йил	Ички бозорда ИМ ҳуқуқларини сотиб олиш йили	Чет элга сотилган лицензия (ҳа, йўқ)	Муаллифлик ҳақлари
А	Б	1	2	3	4	5
Жами муаллифлик ҳақлари	601					
ИХ-ихтиро	602					

Изоҳ. 1-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган ҳужжат рақами, 2-Номоддий актив сифатида молиявий ҳисоботда акс этирилган йил, 3-корхонанинг таъсис этилган йилдан бошлаб, 4-ҳа, йўқ -корхонага нисбатан дефакто, 5-барча турдаги муаллифлик ҳақлари.

Интеллектуал мулк соҳасига оид кўрсаткичларни таҳлил қилиш амалиётини «Осло Йўриқномаси 2018» ва «Фраскати Йўриқномаси 2015» каби халқаро тан олинган методик қўлланмалар асосида «Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш» йиллик ҳисобот (I-II бўлим) шакли ишлаб чиқилган. Ҳисобот шакаллари давлат статистика қўмитаси томонидан қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди. Ҳисоботни барча ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги бозор субъектлари томонидан таъминланади. Маълумотлар, давлат органлари, иқтисодиётнинг реал сектори, илмий ҳамжамият ва интеллектуал мулкни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари ҳақида ишочли маълумот олиш учун қимматли ахборот манбаи ҳисобланади.

I. БЎЛИМ. ҲИСОБОТ ЙИЛИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИДАН (ИМО) ФОЙДАЛАНИШ

№	ИМ тури (ИХ, ФМ, ДТ, СН)	Ҳимоя хужжати-нинг рақами (патент, гувоҳнома)	Инвентаризация рақами (ташқилот буйруғи асосида)	ИМОдан фойдаланиш бошланган йил	Ички бозордан ИМО эгалик ҳуқуқини қабул қилиш йили	Олий таълим соҳасида ИМО қўллаш (1-амалга оширилди, 2-ўқитишда/хизмат кўрсатишда ишлатилган)	ИМОдан қайси ҳуқуқлар чет элга ўтказилди: 1-тўлиқ бегоналаштириш бўйича шартнома; 2-лицензия шартномаси; 3-экспорт учун тўлиқ етказиб бериш шартномаси
1	2	3	4	5	6	7	8

II. БЎЛИМ. ҲИСОБОТ ЙИЛИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИДАН (ИМО) ФОЙДАЛАНИШНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

ИМО тури	Объектларни бухгалтерия ҳисоби. (минг сўм)	Объектнинг ҳисобланган амортизацияси. (минг сўм)	Объектдан фойдаланишнинг иқтисодий самараси. (минг сўм)*	Объектдан фойдаланган ҳолда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қиймати (минг сўм)	Объектдан лицензия асосида фойдаланиш ҳуқуқини берувчи шартномалар сони. (бирлик)
1	2	3	4	5	6

Изоҳ. *Интеллектуал мулк объектдан фойдаланишдан олинган иқтисодий самарани интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш натижасида корхона томонидан олинган қўшимча ялпи фойда деб тушуниш керак.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига МХДлари шу жумладан Ўзбекистон ва ривожланган, кўплаб рижланаётган ҳамда ривожланмаган мамлакатлар ҳам аъзодир. БИМТ интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ тижорат низоларини ҳал қилишда халқаро арбитраж сифатида фаолият юритади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳамда патент соҳасидаги халқаро конвенциялар мамлакатлар ўртасидаги тенг ва адолатли муносабатлар учун асослидир. Таҳлиллар асосида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) аъзолари ва БИМТ, UPOV-ўсимликларнинг янги навларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти (International Union for the Protection of New Varieties of Plants, UPOV), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ва Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) томонидан бошқариладиган шартномаларда Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк бозори жами 14 та халқаро шартнома бўйича бошқарилиши аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасини БИМТ аъзолари, БИМТ, UPOV, ЖСТ ва БМТ томонидан бошқариладиган шартномалардаги иштироки¹⁸

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	Конвенция, битим ва шартномаларни шартли белгилари							Жами; 14 та
	W	P	B	PCT	PLT	MI	M	
	+	+	+	+	+	-		
	MP	H	GH	N	LI	RO	O	
	+	-	-	+	-	-		
	IPC	PH	VC	BP	S	NOS	LT	
	+	+	-	+	-	-		
	WCT	WPPT	BEIJING	WAS	SG	MARRA		
	+	+	-	-	-	-		
	UN	UPOV	WTO	x	x	x		
+	+	-	x	x	x			

Интеллектуал мулк бозори институционал бошқарувини такомиллаштириш масалаларида тадқиқотлар кўрсатадики ҳеч қандай давлат йўқки, амалиётда интеллектуал мулкни ягона бир давлат органи асосида тартибга солса ёки бошқарса. Амалиётда 6,8 фоиз давлат аниқ бир вазирлик ёки ташкилот орқали ушбу масалани ҳал қилади. Иқтисодиётда интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш аввало давлат сиёсати бўлиб, бугунги кунда давлат томонидан интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Маълумки, интеллектуал мулк соҳасида стратегия ишлаб чиқишда умумий мақсаднинг ўз етарли эмас, балки у, аввало, нима ва ким учун ишлаб чиқиладигани белгилаб олиниши зарур. Бунда фақат масъул идора эмас, балки бошқа манфаатдор томонлар ҳам иштирок этиши керак бўлади. Соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириб, интеллектуал мулк

¹⁸ БИМТ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

ҳимоясини кучайтириш, ҳар бир идора ва тармоққа илмий ютуқларни олиб кириш масалалари илгари сурилмоқда.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Интеллектуал мулк бозори - интеллектуал мулкка мутлоқ ҳуқуқ эгалари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тўплами сифатида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, инвесторлар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органлари ва интеллектуал мулкнинг шаклланиши ва айланиши масалалари бўйича профессионал воситачилар ёрдамида инновацион технологияларни яратилиши ва улардан ишлаб чиқаришда, хизматлар кўрсатишда фойдаланиш тизимини тартибга солувчи восита бўлиб хизмат қилади.

2. Интеллектуал мулк объектлари бугунги кунда фуқаролик муомаласига энг кўп киритиладиган, инсон тафаккурини ўзгартириш ва янги билимлар тарқатишга асосланганлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, интеллектуал мулк объектлари ва уларнинг яратувчилари бўлган муаллифлар ҳуқуқларини ягона «Интеллектуал мулк кодекси» орқали муҳофаза қилишни ягона тартибга солувчи воситаси эканлиги аниқланди.

3. Интеллектуал мулк объектларини саноатда ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида қўллаш бўйича лицензия шартномаларини расмийлаштириш, тегишли ҳуқуқларни ишлаб чиқарувчиларга ўтказиб бориш ва уни бошқаришдаги муаммони аниқлаштириб олинishi самарали инновацион ёндашув ҳисобланади.

4. Муаллифлик ҳақини тўлаш тизимида янги институционал ўзгаришларни амалга оширишда интеллектуал мулк объектлари мулккий ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқариш ташкилоти фаолиятдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

5. Статистик маълумотлар инновацион фаолиятнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида ишончли маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қимматли маълумот манбаи ҳисобланади. Ҳолатдан келиб чиққан ҳолда «Интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳақида маълумот» ҳисоботини олиб бориш, интеллектуал мулк объектидан фойдаланишнинг иқтисодий самарасини ва бутун жараённинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш имкониятларини беради.

6. Интеллектуал мулк объектининг рақобатдош устунликлари (ҳимояланган интеллектуал фаолият натижалари) билан ҳимояланмаган интеллектуал фаолият натижаларини солиштириш максимал иқтисодий самандорликка эришиш йўллари ва воситаларини белгилаб беради.

7. Интеллектуал мулк объектларини молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш, тижоратлаштириш ва стартап-экотизимни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини яратиш мақсадида соҳага замонавий ахборот-

коммуникация технологияларини жорий этилиши соҳа ривожланишини иқтисодий самарадорлигини ошишини таъминлайди.

8. Интеллектуал мулк бозори замонавий глобал иқтисодиётнинг ядроси бўлиб “моддий” бозорларнинг ўсиш суръатларидан юқори, йилига 10 фоиздан кўпроқ ўсмоқда. Шундай экан, интеллектуал мулк объектларини юридик шахслар устав капиталига улуш сифатида киритиб борилиши корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириб, бутун глобал жараёни ўзгариш қонуниятларини прогноз қилиш имкониятларини беради.

9. Ҳудудлар тизими сифатида интеллектуал мулк номоддий ва маълум шартларга кўра бир вақтнинг ўзида бир неча юридик ва яқка тартибдаги тадбиркор томонидан фойдаланишини эътиборга олган ҳолда, интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш амалиётини умумэътироф этилган «Осло Йўриқномаси 2018» ва «Фраскати Йўриқномаси 2015» каби халқаро тан олинган методик қўлланмалар асосида фойдаланиб келишади.

10. Бозор иқтисодиёти концепцияси нуқтаи назаридан интеллектуал мулк бозорини иқтисодий томондан мушоҳада қилиш илмий тадқиқотларнинг янги йўналишини очиб берибгина қолмасдан, мавжуд қонун меъёрларини моҳиятини англаб етиш, янгидан-янги иқтисодий меъёрлар ва ҳуқуқий ечимларни ишлаб чиқишда менежмент тадқиқотларини ўтказиш аҳамияти ўрганилди.

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works

I бўлим (I часть; I part)

1. Суннатов М.Н. Интеллектуал мулк бозорини тартибга солишда давлат стратегияси. // «Иқтисодиёт ва таълим». 2018. - №6. 74-78 б. (08.00.00; №11)

2. Суннатов М.Н. Интеллектуал мулк натижаларини рағбатлантиришнинг институционал механизми. // «Иқтисодиёт ва таълим». 2017. - №6. 86-92 б. (08.00.00; №11)

3. Суннатов М.Н. Механизм регулирования рынка интеллектуальной собственности в Узбекистане. // «Экономика и предпринимательство» - М.: 2021. - №6 (131). – С. 485-489. (08.00.00; №19)

4. Суннатов М.Н. Мустақил худуд иқтисодиёти сари. «Бозор, пул ва кредит» 2000. №8 (39) 43-45 б. (08.00.00; №9)

5. Суннатов М.Н. Интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш чора-тадбирлари. «Замонавий бизнесни бошқариш, иқтисодиёт, инновацион технологиялар ва ижтимоий фанларни ривожлантириш: назария ва амалиёт уйғунлиги» мавзусидаги олий ўқув юртлариаро халқаро конференция материаллари тўплами (2021 йил 24 май). -Т.: ТМИ. 311-315 б.

6. Суннатов М.Н. Инновацион иқтисодиётда интеллектуал мулк бозорини тартибга солишнинг институционал механизми. «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегияси: макриқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги II Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами (2019 йил 27-28 май). -Т.: ТДИУ. 408-415 б. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнал. www.wc.tseu.uz

7. Суннатов М.Н. Investitsion salohiyatda intellectual mulkni institutsional asosi. «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги Ҳалқаро илмий-амалий конференция илмий мақолалар ва материаллари тўплами (2019 йил 11 октябрь). -А.:АДУ.130-134 б.

8. Суннатов М.Н. Интеллектуал мулк бозорини тартибга солишнинг институционал механизмини ривожлантириш асослари. «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегияси: макриқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами (2018 йил 28-29 май). -Т.: ТДИУ. 315-321 б. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнал. www.wc.tseu.uz.

9. Суннатов М.Н. Инновацион фаолиятда интеллектуал мулкнинг институционал асослари «Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибаси» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами (2018 йил 9 октябрь). -Т.: ТДИУ. 90-94 б.

10. Суннатов М.Н. Мировой опыт достижения качества экономического роста. Двадцать вторые международные Плехановские чтения 10 апреля 2009г. Москва-2009. С.125-128.

II бўлим (II часть; II part)

1. Суннатов М.Н. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш муаммолари. ТДИУ хузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари марказида бажариладиган ОТ-Ф1-022-рақамли «Иқтисодиётни барқарор ривожланиши таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа доирасидаги мақоллар тўплами. УДК 338 (575.1). -Т.:LESSON PRESS. 2018. 164-169 б.

2. Суннатов М.Н., Ярашов С.С., Неъматов Д.М. Интеллектуал мулкни тижорат операцияларида халқаро институтларнинг аҳамияти. «Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами (2018 йил 30 октябрь). -Т.: ТДИУ. 280-284 б.

3. Суннатов М.Н., Неъматов Д.М. Мулквий ҳуқуқлар мажмуида интеллектуал мулк институтини ривожлантириш. «Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами (2018 йил 30 октябрь). -Т.: ТДИУ. 182-185 б.

4. Суннатов М.Н., Неъматов Д.М. Маркетинг тадқиқотларида интеллектуал мулкнинг монопол ҳуқуқи. «Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами (2018 йил 27 ноябрь). -Т.: ТДИУ. 299-302 б.

5. Суннатов М.Н. Ярашов С.С., Неъматов Д.М. Интеллектуал фаолиятда селекция ютуқлари. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини жорий этиш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва маъруза тезислари тўплами (2018 йил 18 декабрь). -Т.: ТДИУ. 78-81 б.

6. Суннатов М.Н. Инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан молиявий тартибга солиш. «Макроиктисодий муаммолар - 2015» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва маърузалар тўплами (2015 йил 25 декабрь). -Т.: ТДИУ. 215-219 б.